



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ HAҚИДА.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Камолахон Юсуповна Абдуразакова,
Тошкент кимё-технология институти докторанти
E-mail: kamolaabdurazakova@gmail.com

“ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

For citation: Kamolaxon Y. Abdurazakova, THE CONCEPT OF "INTERSTATE RELATIONS" AND ITS MEANING. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.10-14

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-2>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқаро муносабатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий, гуманитар ва бошқа соҳалар ривожланиши йўлидаги алоқалари, дунё миқёсида фаолият юритаётган сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлари ҳақида сўз боради. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар, халқаро сиёсат, халқаро ҳуқуқ, давлатларро муносабатлар, дипломатик алоқалар.

Камолахон Юсуповна Абдуразакова,
докторант Ташкентского химико-технологического института
E-mail: kamolaabdurazakova@gmail.com

ПОНЯТИЕ «МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫЕ ОТНОШЕНИЯ» И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается взаимосвязь международных отношений в развитии экономической, политической, правовой, дипломатической, военной, гуманитарной и других сфер, взаимосвязь между политическими силами, действующими в мире. Этот аспект номера служит дополнительным материалом для работ, опубликованных на международной арене.

Ключевые слова: Мировая политика, международные отношения, международная политика, международное право, межгосударственные отношения, дипломатические отношения.

Kamolaxon Y. Abdurazakova,
Doctoral, Tashkent Chemical Technology Institute
E-mail: kamolaabdurazakova@gmail.com

THE CONCEPT OF "INTERSTATE RELATIONS" AND ITS MEANING

ABSTRACT

The article examines the relationship of international relations in the development of economic, political, legal, diplomatic, military, humanitarian and other spheres, the relationship between the political forces operating in the world. This aspect of the issue serves as additional material for works published on the international stage.

Index Terms: World politics, international relations, international politics, international law, interstate relations, diplomatic relations.

1. Долзарблиги:

Халқаро муносабатларда давлатларнинг ўзаро алоқалари асосий ўринни эгаллайди. Чунки, давлат халқаро майдонда сиёсатни амалга ошириш учун қонуний ваколатларга эга бўлган ягона миллий институт сифатида қаралади. Жумладан, давлатлараро шартномаларини тузиш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳаттоки, уруш эълон қилиш ҳам ана шу давлатнинг ваколатига киради. Шунинг учун халқаро муносабатларнинг энг муҳим таркибий қисми глобал иқтисодий вазиятлар таъсирида юзага келувчи давлатлараро муносабатлардир. Айрим давлатларнинг халқаро муносабатларга таъсири ҳар хил, бу давлатнинг кучини, унинг халқаро рақобатбардошлилигини, иқтисодий, ҳарбий потенциали, табиий ва меҳнат ресурслари, фан ва маданиятнинг ривожланиш даражаси, юқори технологиялар соҳасидаги ютуғлари, ижтимоий ютиқлари ва барқарорлик даражасида белгиланиши билан боғлиқ бўлади.

2. Методлар:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда “давлатлараро алоқалар” тушунчаси ва унинг моҳияти илмий таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Биз яшаётган ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этиб, давлатлараро алоқаларнинг ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда. Чунки тарихий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиши аввало, айнан давлатлараро алоқаларнинг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатлараро алоқалар ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати ва албатта унинг катта бир бўлаги бўлган дипломатия ҳисобланади.

Давлатнинг ташқи алоқаларини икки давлат ўртасида тузилган ўзаро манфаатлари йўлида бирлашган иттифоқ ёки давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналиши сифатида ҳам кўриш мумкин.

Ташқи сиёсат - маълум бир давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар билан муносабатларини, унинг принциплари ва мақсадларига мувофиқ, икки давлатнинг ҳуқуқий базаларига амал қилган ва ҳурмат қилган ҳолда тартиблаштирилади. Ташқи сиёсатнинг энг муҳим воситаси бу - дипломатияси саналади. Давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколат фақат Ташқи Ишлар Вазирлигига юклатилади.

Ташқи сиёсат асосан давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқалари назарда тутилади. Бу ўз навбатида давлатларнинг эҳтиёжи ва манфаатидан келиб чиққан ҳолда юз беради. Ташқи сиёсат давлатнинг ички сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди ва ҳар бир давлатнинг ички сиёсати ташқи сиёсий-иқтисодий барқарорлик натижасида ривожланади. Аммо бу давлатнинг ички сиёсати ташқи сиёсатга таъсир қилмайди дегани эмас, қайсики, давлатнинг ички сиёсати барқарор бўлмаса, шу давлатнинг ташқи алоқаларини йўлга қўйиб бўлмайди. Тадқиқотчи олимларимиздан М.Қирғизбоевнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсатнинг муҳим тамойиларидан бири давлатлараро муносабатларда умуминсоний қадриятлар устуворлигини назарда тутати. Сабаби, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш шароитида ўз анъаналари, урф-одати ва ўз тартибларини ҳамма учун наъмуна сифатида тақдим этиш, ўз миллий манфаатларинигина тан олиш асосида сиёсат юритиш мумкин эмас. Бундай сиёсат

эгоцентризмга, бир мамлакатни иккинчи мамлакатга қарши қўйишга, ўзининг ўзгалардан устунлигини кўз-кўз қилиш туйғуларини намоён этишга олиб келади.[1, С. 58] Олимнинг бу фикрларини муносиб билган ҳолда давлатлараро алоқаларда фақат бир давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш давлатлараро муносабатларнинг таназзулга учрашига ва давлатлар ўртасида яқка ҳукмронликни йўлга қўйиш вужудга келтириши мумкин. Бу эса жаҳон давлатлари ўртасида ягона ҳукмрон давлатни юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияга кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилини тан олиш, ўзаро манфаатдорлик, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби ғояларга асосланади ва барча тинчликсевар мамлакатлар билан ташқи алоқалар ўрнатиш тамойилига амал қилади[2, С. 112].

Давлатлараро алоқалар икки давлатнинг ўзаро алоқаларини давимийлигини назарда тутуди ва халқаро муносабатларда давлатлар дипломатияси номи билан аталади. Дипломатик алоқалар юқорида айтилганидек, ташқи сиёсатнинг йўналиши бўлиб, давлатлараро муносабатларни ижобий ҳал этиш мақсадида йўлга қўйилган, бундай алоқалар мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли зиддиятларнинг ечими ва ўзаро манфаатларни мувозанатлаштирувчи ҳамкорликни вужудга келтиради. Бугунги кундаги ўзгаришлар айнан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш, уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Давлатлараро муносабатларда мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, халқаро муносабатларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқумат ва халқаро алоқаларнинг махсус органлари раҳбарларининг расмий фаолияти ва давлат фаолияти дипломатия деб аталувчи алоҳида соҳани ташкил этади.

"Дипломатия" сўзи юнонча "diploma" сўзидан олинган бўлиб, қадимий Юнонистонда элчиларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат сифатида устига ёзув тушурилган тахтачалар берилган[3, С. 3].

Тарихдан маълумки, "Дипломатия" атамаси XVIII охиарида Ғарбий Европа давлатларида халқаро сиёсатининг воситаси сифатида қўлланила бошланган. Вақт ўтиши билан мустақил давлатлар сонинг кўпайиши ва улар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашиши билан дипломатиянинг жамиятдаги ўрни янада кенгайтирди. Савдо ва маданий алоқаларнинг ўсиши, ҳудудий чегара муаммоларининг пайдо бўлиши, дипломатиянинг ваколатларини кучайтирди ва давлатлараро алоқаларнинг асосий воситаси сифатида илгари сурилди. Шу омиллар сабабли халқаро муносабатларни ривожлантириш жараёнида дипломатиянинг аҳамияти ўсди ва бу жамият ва давлатларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши бўлган дипломатик алоқаларни йўлга қўйди ва бугунги кунда бу сиёсат ўз самарасини берди. Жумладан, халқаро ҳуқуқий шартномаларга таянган ҳолда, 1961 йилнинг дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига ва 1968 йилнинг Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясига қўшилган давлатлар қаторига кирди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дипломатик алоқаларнинг ҳуқуқий асосидир.[4, С. 12]

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги қонун[5, С. 5], "Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиблари тўғрисида"ги қонун, "Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабани белгилаш тўғрисида"ги қонунлар [6, С. 3] асосида амалга оширилади. Шундай экан, ташқи сиёсат ва дипломатия бир-бири билан уйғунликда юриб, бир-бирини тўлдиради деган ҳулоса намоён бўлади.

Дипломатиянинг фаолияти кўпинча давлатлар тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, ундан моҳирона фойдаланиш кучли сиёсат воситасига айланади. Жаҳон сиёсатида юз берган ёки юз бераётган халқаро муносабатлардаги кўплаб ютуқларни малакали

дипломатлар ва юкори даражадаги дипломатия таъминланган бўлсада, халқаро зиддиятлар эса ноъмақул дипломатиядан далолат беради. Дипломатия тушунчаси халқаро можароларнинг олдини олиш ёки ҳал қилиш, муросалар ва мақбул ечимларни топиш, шунингдек халқаро миқёсда ҳамкорликни кучайтириш ва такомиллаштириш бўйича музокаралар ўтказиш маҳорати билан боғлиқдир. Тарихий манбалар ва ҳужжатлар шуни кўрсатадики, давлатлараро муносабатларнинг “кучга таянган ҳолда” амалга оширилиши, қонли урушларга олиб келган. Даврий ривожланиш натижасида ташқи дипломатик алоқаларнинг шакллари ўзгариб борган. Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048) ўлкада тинчликни таъминлаш, ҳар қандай низо, зиддиятларни ҳал этиш, давлатлар ва халқлар ўртасидаги қўшничилик муносабатларини олиб боришда ўзаро келишув асосида амалга ошириш ғоясини илгари сурган. Бу эса буюк мутафаккирларимизнинг оқилона дипломатик ғояларни йўлга қўйишда ўз ҳиссаларини қўшганликларидан далолат беради[7, С. 260]. Юқоридаги ғоялар мамлакатимизнинг бош мақсади бўлган “2017-2021 йилларнинг Ўзбекистон Ҳаракатлар Стратегиси”да ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги барчамизга маълум[8].

Халқаро политологлардан бири З.Бжежинский ўз тадқиқотларида “халқаро сиёсат майдон улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигуралар, яъни иштирокчилар қандайдир кучли ўйинчилар ҳоҳиш иродаси ва измига боғлиқдир” деган[9]. Аммо, бундай фикрлар бутунги кун мамлакатларининг ўзаро алоқаларига ва халқаро муносабатларга мутлақо тўғри келмайди. Сабаби, халқаро сиёсий муносабатлар тараққиёти очик ва самимий сиёсий фаолият натижаларига боғлиқдир. Давлатларнинг вужудга келиши, ва давлатлараро алоқаларни шаклланишига ана шу самимийлик ва очиклик сиёсати сабаб бўлган. Бу эса объектив характерга эга бўлибгина қолмай, ҳеч бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Яъни қандайдир давлатнинг ўзга бир давлат ёки давлатнинг сиёсий бошқарувчиси бўлган шахснинг шахмат фигурасига айланиш ҳозирги кун сиёсий етакчиларининг заиф эканлигидан далолат беради, ҳолос. Бундай заифликда, нафақат давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш балки, давлатни ҳам бошқариб бўлмайди. Шундай экан, давлатнинг ташқи сиёсати бу - давлатлараро алоқаларнинг бошланғич нуқтаси деб ҳисобласак, ана шу нуқта айнан давлатнинг жаҳон мамлакатлари ичида ўрин эгаллашига сабаб бўлади. Чунки, давлатнинг ташқи муносабатлари ўз навбатида давлатни ички муносабатларини ҳар соҳада ривожланиши ёки пароканда бўлишига хизмат қилади.

Бутунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатган. Тошкентда 45 та хорижий давлатларнинг элчилари, 8 та фахрий консуллар, 19 та халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, 18 та ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари, 1 та дипломатик мақомга эга савдо ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда[10].

Ўз навбатида шуни айтиш керакки, давлатлараро муносабатлар бир бутун комплекс ҳисобланади, бу муносабатларнинг асосида эса сиёсий алоқалар ётади ва у бевосита ички сиёсат муаммоларини ҳал қилишдан келиб чиқади. Негаки ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатининг бош мақсади унинг ички ривожини таъминлашга қаратилгандир. Гарчанд, ички сиёсатнинг ташқи сиёсатга таъсир кўрсатсаиши жаҳонда бўлаётган бир қатор шундай ҳолатлар тариқасида кўришимиз мумкин.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, давлатлараро муносабатлар ўз навбатида халқаро муносабатлар билан уйғунликда юргани сабаб, биз унга халқаро муносабатларнинг сифатида қараймиз аслида эса, у халқаро муносабатларнинг бир бўлагидир. Халқаро муносабатлар кўпгина мамлакатлар иштирокида амалга оширилса, давлатлараро алоқаларда айнан алоқа ўрнатаётган икки давлат билангина чегараланилади, ҳолос.

Иккинчидан, халқаро муносабатлар ўз навбатида давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқаларни қамраб олар экан, дипломатик алоқаларнинг халқаро муносабатларни ижобий ҳал этиш мақсадида йўлга қўйилганлиги бунга сабаб бўлади, чунки жаҳон майдонида бундай

алоқалар мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли зиддиятларнинг ечими ва ўзаро манфаатларни мувозанатлаштирувчи ҳамкорликни вужудга келтиради. Бугунги кундаги ўзгаришлар айнан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш, уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Қирғизбоев М. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг йўналишини белгилаш ва Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатишнинг ижтимоий-сиёсий ва меъёрий-ҳуқуқий асоси. – Тошкент. 2005. – Б. 58. (Qirgizboev M. Socio-political and regulatory framework for determining the direction of foreign policy of Uzbekistan and cooperation with Asian countries. - Tashkent. 2005. - P. 58).
2. Ризаев Ф. Понятие, система и основные принципы международного права // Информационный бюллетень. - Ташкент.; МВЭС РУз, 2001. №2. – С. 112. (Rizaev F. The concept, system and basic principles of international law // Informatsionnyy bulletin. – Tashkent: MVES RUz, 2001. №2. - P. 112).
3. Хидояттов.Г.А. Основы дипломатии. Лекции прочитанные в университете мировой экономики и дипломатии в 1998-1999 годах. – Ташкент. 2002. – С. 3. (Xidoyatov G.A. The basis of diplomacy. Lectures taught at the University of World Economy and Diplomacy in 1998-1999. - Tashkent. 2002. - P. 3).
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1992. - Б.12. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: “Uzbekistan”, 1992. - P.12).
5. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисидаги қонун. - Тошкент. 1996. – Б. 5. (Law on the basic principles of foreign policy of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent. 1996. - P. 5).
6. Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабани белгилаш тўғрисидаги қонун. - Тошкент. 1992. - Б. 3. (Law of the Republic of Uzbekistan on the establishment of diplomatic ranks and ranks for diplomatic staff. - Tashkent. 1992. - P. 3).
7. Одилқориев Х.Т., Д.Х.Раззоқов. Сиёсатшунослик. – Тошкент. 2008. – Б. 260. (Odilqoriev X.T., D.X.Razzoqov. Political science. - Tashkent. 2008. - P. 260).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси <https://lex.uz/docs/3107036> (Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 №PF-4947 <https://lex.uz/docs/3107036>)
9. Бжезинский З. Великая шахматная доска: Господство Америки и его геостратегические императивы: [сборник: 16+] // Пер. с англ. О. Ю. Уральская. – Москва. АСТ, 2013. – С. 703. (Bjezinskiy Z. Velikaya shaxmatnaya doska: Gospodstvo Ameriki i ego geostrategicheskie imperativy: [sbornik: 16+] // Per. s angl. O. Yu. Uralskaya. - Moscow. AST, 2013. - P. 703).
10. Международное сотрудничество // Внешняя политика. <https://mfa.uz> (Международное сотрудничество // Vneshnyaya politika. <https://mfa.uz>).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000